ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРЬЯЗОВ ДАВЛАТЁР МАТЯКУБОВИЧ

БАРДОШЛИ КРИПТОГРАФИК АЛГОРИТМЛАР ЯРАТИШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.01.05–Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

ФИЗИКА–МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2022

УДК 004.056.55

Физика-математика фанлари доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата дисертации доктора (DSc)
по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of the doctor
of physical and mathematical sciences (DSc)

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРЬЯЗОВ ДАВЛАТЁР МАТЯКУБОВИЧ

БАРДОШЛИ КРИПТОГРАФИК АЛГОРИТМЛАР ЯРАТИШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги (физика-математика фанлари)

ФИЗИКА–МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/FM185 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ik-fizmat.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Аринов Мирсаид Мирсидикович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Каримов Маджит Маликович** техника фанлари доктори, профессор
	Жураев Гайрат Умарович физика-математика фанлари доктори, доцент
	Туйчиев Гулом Нумонович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «11» июня соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: rankin@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (49 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2022 йил «30» май куни тарқатилди.
(2022 йил 2 рақамли реестр баённомаси).

Р.Д. Алиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., профессор

З.Р. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

Г.У. Жураев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида криптология муаммоларини ечишда аксарият ҳолларда симметрик шифрлаш алгоритмларининг сеанс калитини аниқлаш, асимметрик алгоритмларнинг очиқ калити асосида ёпиқ калитни топиш, хэш функцияларни коллизияга учратиш ва алгоритмлар қадамларидан келиб чиқиб, амалга ошириладиган крипто-ҳужумларни ишлаб чиқиш масалаларига келтирилади. Шифрлаш алгоритмлари акслантиришларининг хоссаларини ўрганиш, янги математик мураккабликлар асосида бардошли асимметрик шифрлаш ва электрон рақамли имзо алгоритмларини ишлаб чиқиш масалалари ахборот хавфсизлиги, криптография, криптотаҳлил, амалий математика ва объектга йўналтирилган дастурлаш каби соҳалар бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг объекти ҳисобланади. Шу сабабли, ахборотларни криптографик ҳимоялаш усулларини яратиш, стандарт алгоритмларни доимий бардошлик талаблари бўйича таҳлил қилиш ва такомиллаштириш ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда телекоммуникация тармоғи орқали узатилаётган ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш дастурий, аппарат-дастурий қурилмалар ёрдамида амалга оширилади ва улар криптомодулларида стандарт сифатида қабул қилинган криптографик алгоритмлардан фойдаланилади. Шунинг учун стандарт симметрик шифрлаш алгоритмларини баҳолаш, эллиптик эгри чизиқ асосида бардошли янги асимметрик шифрлаш, дискрет логарифмлаш, мураккаб модул ва эллиптик эгри чизиқда дискрет логарифмлаш мураккабликларидаги бардошли янги электрон рақамли имзо алгоритмларини яратиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқи сифатида ахборот хавфсизлиги, криптография ва криптотаҳлил соҳалари учун бардошли криптографик алгоритмларни ишлаб чиқиш каби долзарб йўналишларига катта эътибор қаратилиб, миллий стандарт алгоритмларни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш бўйича салмоқли натижаларга эришилди. «Алгебра ва функционал анализ, амалий математика ва математик моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика»[1] фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасидаги илмий изланишлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланган. Қарор ижросини таъминлашда янги бардошли симметрик, асимметрик шифрлаш ва электрон рақамли имзо алгоритмларини яратиш, бардошликларини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий - тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4708-сон қарори.

баҳолаш ҳамда олинган илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 3 апрелдаги ПҚ-614-сон «Ўзбекистон Республикасида ахборотнинг криптографик ҳимоясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 ноябрдаги 242-сон «Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [2].

Симметрик ва асимметрик алгоритмларни ишлаб чиқиш ҳамда улар бардошлигини тадқиқ этиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан: National Institute of Standards and Technology - NIST, University of California, Conterpane Internet Security (АҚШ), University of Oxford (Буюкбритания), University of Haifa, Tel Aviv University,Weizmann Institute (Исроил), Concordia Institute for Information Systems Engineering, Concordia University (Канада), Dian Ji University, Jiaotong University (Хитой), Swiss Federal Institute of Technology (Швейцария), Vienna

[2] Диссертация мавзусига доир хорижий илмий тадқиқотлар таҳлили қуйидаги манбаларга асосан бажарилган: Journal of Cryptography and Communications, Journal of Cryptology, Journal of Mathematical Cryptology, Journal of Cryptographic Engineering, International journal of Applied Cryptography, Journal of Cryptologic Research, Журнал Математические вопросы криптографии.

Technical University (Австрия), Nanyang Technological University (Сингапур), Al-Balqa Applied University, Yarmouk University (Иордания), Россия ФАнинг Математика институтлари, Криптография Академияси, Москва давлат университети, Жанубий федерал университети, Москва давлат техника университети, Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик хизмати (ФХХ) нинг Криптография, алоқа ва информатика институти (Россия), Белоруссия давлат университети, Информатика ва радиоэлектроника университети, Ахборот ҳимояси муаммолари илмий-текшириш институти (Белоруссия), Украина ФАнинг Амалий математика ва механика институти, Киев политехника институти (Украина), Қозоғистон миллий университети, Ахборот хавфсизлиги ва криптология институти (Қозоғистон), Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, «UNICON.UZ» (Ўзбекистон) да кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Турли математик мураккабликлар асосида асимметрик шифрлаш, электрон рақамли имзо алгоритмларини ишлаб чиқиш, ГОСТ Р 34.12-2015 стандарт алгоритми таҳлили ва бардошли S-блоклар ишлаб чиқишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: берилган катта разряддаги сонни туб кўпайтувчиларга ажратиш муаммосига асосланган RSA (University of California, АҚШ), чекли майдонда дискрет логарифмлаш муаммосига асосланган EL-GAMAl (National Institute of Standards and Technology, АҚШ) асимметрик шифрлаш ва электрон рақамли имзо алгоритмлари яратилган; инглиз тили сўзлари билан кодлашга асосланган янги асимметрик шифрлаш алгоритми ишлаб чиқилган ва бардошлилиги баҳоланган (Al-Balqa Applied University, Yarmouk University, Иордания); факторизация ва дискрет логарифмлаш муаммосига асосланган янги электрон рақамли имзо, жамовий имзо алгоритмлари таклиф этилган ва бардошликлари баҳоланган (Санкт-Петербург давлат электротехника университети, Россия); ГОСТ Р 34.12-2015 стандарти Кузнечик алгоритми чизиқли, дифференциал криптотаҳлил усулларига 3-раунддан сўнг бардошлилиги исботланган (Жанубий федерал университет, Россия); ГОСТ Р 34.12-2015 стандарти имитомуҳофаза функцияси бардошлилиги баҳоланган (Ахборотни ҳимоялаш соҳасида техник қўмита, Криптография академияси, Россия); маълумотни эллиптик эгри чизиқ нуқтаси ва эллиптик эгри чизиқ нуқтасини маълумот кўринишига ўтказиш алгоритмлари ишлаб чиқилган (Фанлар академияси Санкт-Петербург информатика ва автоматизация институти, Россия); махсус характеристикали чекли майдонда эллиптик эгри чизиқ асосидаги асимметрик шифрлаш алгоритми ишлаб чиқилган ва бардошлилиги баҳоланган (Санкт-Петербург давлат техника университети, Россия); эллиптик эгри чизиқда дискрет логарифмлаш масаласи мураккаблигига асосланган электрон рақамли имзо стандарт алгоритмлари ва протоколлари бардошликлари баҳоланган (Киев политехника институти, Харьков радиоэлектроника университети, Украина); алгебраик чизиқсизлик даражаси ва чизиқсизлиги юқори S-блоклар генерация қилиш усуллари яратилган

(Vienna Technical University, Katholieke Universite Leuven, Бельгия); чизиқсизлиги юқори буль функциялар генерация қилиш усуллари яратилган (Indian Statistical Institute, Ҳиндистон, University of Science and Technology of China, Хитой, University of Alabama, АҚШ).

Дунёда симметрик ва асимметрик алгоритмларнинг бир қатор устувор йўналишларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан: симметрик шифрлаш алгоритмлари акслантиришларини баҳолаш; мавжуд симметрик шифрлаш тармоқларини такомиллаштириш ва улар асосида янги алгоритмлар ишлаб чиқиш; шифрлаш алгоритмлари учун бардошли S-блоклар генерация қилиш усулларини яратиш; шифрлаш алгоритмлари бардошлигини замонавий криптотаҳлил усулларига баҳолаш; чизиқсизлиги юқори бўлган буль функциялар генерация қилиш усулларини яратиш; квант компютерларда ечилиши мураккаб математик масалалар асосида янги постквант асимметрик алгоритмлар яратиш; эллиптик эгри чизиқ асосида янги бардошли асимметрик шифрлаш алгоритмини яратиш; чекли майдонда дискрет логарифмлаш, мураккаб модул ва эллиптик эгри чизиқда дискрет логарифмлаш масалалари асосида янги бардошли ЭРИ алгоритмларини яратиш ҳамда улар дастурий воситалар мажмуини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Симметрик шифрлаш алгоритмлари бардошликларини баҳолашда чизиқли, дифференциал, чизиқли-дифференциал, слайд, алгебраик, интеграл криптотаҳлил усуллари мавжуд бўлиб, улар назариялари мос равишда M.Matsui, E.Biham, A.Shamir, М.Хеллман, С.Лангфорд, А.Брюков, Д.Вагнер, К.Шеннон, N.Courtois, A.Klimov, J.Patarin, Л.Кнудсен каби олимлар томонидан яратилган.

Замонавий криптотаҳлил усуллари билан мавжуд симметрик шифрлаш алгоритмларини баҳолаш масалалари бир қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган, жумладан: ГОСТ 28147-89 шифрлаш алгоритми S-блоклари умумий криптографик талабларга А.Жуков, Н.Молдовян, А.Молдовян, дифференциал усулига Л.Бабенко, Е.Ищукова, чизиқли-дифференциал ва алгебраик усулларига Б.Абдурахимов, А.Саттаров, оддий ва такомиллашган слайд таҳлил усулларига Р.Алоев, Б.Ахмедов; Лай-Месси тармоғи асосидаги симметрик шифрлаш алгоритмлари чизиқли, дифференциал усулларига М.Арипов, Г.Туйчиев; параметрлар алгебраси асосида блокли симметрик шифрлаш алгоритми ва таҳлили П.Хасанов, М.Каримов, Х.Хасанов; ГОСТ Р 34.12-2015 стандарти Кузнечик алгоритми дифференциал ва чизиқли таҳлил усулларига Е.Ищукова, А.Марахимов, Г.Жураев; интеграл ва алгебраик усулларига Б.Абдурахимов, И.Бойқўзиев; ГОСТ Р 34.13-2015 стандарти имитомуҳофаза функцияси бардошликлари В.Гусев; O‘zDSt1105:2009 стандарт алгоритми интеграл ва алгебраик усулларига Б.Абдурахимов, О.Алланов ишларида баҳоланган.

Асимметрик алгоритмларни ишлаб чиқиш ҳамда улар бардошлигини баҳолаш масалалари қуйидаги олимлар илмий ишларида кўрилган, жумладан: криптографияда биринчи асимметрик алгоритм – симметрик шифрлаш алгоритми сеанс калитини биргаликда генерация қилиш протоколи У.Диффи, М.Хэллман; биринчи асимметрик шифрлаш ва электрон рақамли

имзо RSA ва EL-GAMAL алгоритмлари Р.Райвест, А.Шамир, Л.Адлеман ва Т.Жамол томонларидан; параметрлар алгебраси асосидаги асимметрик шифрлаш ва ЭРИ алгоритмлари М.Каримов, О.Ахмедова, М.Назарова; эллиптик эгри чизиқда дискрет логарифмлаш масаласига асосланган ЭРИ алгоритмлари ва крипто-протоколлар Н.Молдовян, А.Молдовян, Б.Изотов, Е.Дернова, Ю.Гурянов, Manoj Kumar Chande, Chend-Chi Lee, Chun-Ta Li, Nissa Mehibel, M'hamed Hamadouche; параметрлар алгебраси амаллари билан эллиптик эгри чизиқда дискрет логарифмлаш масаласига асосланган ЭРИ алгоритмлари П.Хасанов, Х.Хасанов, О.Ахмедова ишларида таклиф этилган. Эллиптик эгри чизиқ (a, b, p, G, [n]G) параметрларини бардошлилик талаблари бўйича генерация қилиш А.Ростовцев, Е.Маховенко, А.Буренкова, эллиптик эгри чизиқ асосидаги ЭРИ алгоритмларини бардошлиги таҳлили И.Горбенко, С.Збитнев, А.Поляков ишларида тадқиқ қилган. Шунингдек, мамлакатимизда ахборот хавфсизлиги ва криптография муаммолари масалаларида А.Кабулов, С.Ганиев, Р.Хамдамов, К.Керимов, Д.Иргашева, Д.Акбаров, З.Худайкулов ва бошқа олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг «Амалий математика масалаларини ечишнинг алгоритмлари ва дастурий таъминоти» илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бардошли симметрик, асимметрик шифрлаш ва электрон рақамли имзо алгоритмларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бардошликлари оширилган симметрик шифрлаш алгоритмларини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

O'zDSt 1105:2009 ва ГОСТ Р 34.12-2015 стандарт алгоритмларини умумий криптографик талабларга баҳолаш;

эллиптик эгри чизиқ асосида бардошликлари оширилган асимметрик шифрлаш алгоритмлари математик моделларини яратиш;

дискрет логарифмлаш масаласи асосида бардошликлари оширилган электрон рақамли имзо алгоритмларини яратиш;

мураккаб модул асосида бардошликлари оширилган электрон рақамли имзо алгоритмларини яратиш;

эллиптик эгри чизиқда дискрет логарифмлаш мураккаблик асосида бардошликлари оширилган электрон рақамли имзо алгоритмларини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти Симметрик шифрлаш алгоритмлари, криптотаҳлил усуллари, асимметрик шифрлаш ва электрон рақамли имзо алгоритмларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети Стандарт шифрлаш алгоритмларини лойиҳалаш босқичлари, O'zDSt 1105:2009 ва ГОСТ Р 34.12-2015 стандарт алгоритмларини умумий криптографик талабларга баҳолаш, эллиптик эгри чизиқда дискрет логарифмлаш мураккаблик масаласига асосланган асимметрик шифрлаш, чекли майдонда дискрет логарифмлаш, мураккаб

модулли, эллиптик эгри чизиқда дискрет логарифмлаш масалалари асосидаги электрон рақамли имзо алгоритмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда амалий криптография ва криптотаҳлил усуллари, алгебра ва сонлар назарияси, дискрет математика, ҳисоблаш математикаси, эҳтимоллар назарияси усулларидан ва объектга йўналтирилган дастурлаш технологияларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

стандарт симметрик шифрлаш алгоритмлари акслантиришларини балансланганлик, регулярлик, чизиқсизлик, коррелиацион иммуностлик, алгебраик иммунитетлик, чиқувчи битлар боғлиқсизлиги талабларига баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

ГОСТ Р 34.12-2015 стандарт алгоритми S-блоклари бардошлиги чизиқсизлик қийматлари бўйича юқори ва O‘zDSt 1105:2009 алгоритми S-блоки бардошсизлиги исботланган;

O‘zDSt 1105:2009 стандарт алгоритми S-блоки учун параметрлар алгебраси амаллари ёрдамида юқори криптографик талабларни таъминловчи калитга боғлиқсиз чизиқсиз акслантириш ишлаб чиқилган;

маълумотни эллиптик эгри чизиқ нуқтаси сифатида ифодалаш ва эллиптик эгри чизиқ нуқтасини маълумот сифатида ифодалаш алгоритмларидан фойдаланиб, эллиптик эгри чизиқ асосида янги асимметрик шифрлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

актив ҳужум усулига бардошли эллиптик эгри чизиқ асосида янги оптимал асимметрик шифрлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

чекли майдонда дискрет логарифмлаш, эллиптик эгри чизиқда дискрет логарифмлаш мураккабликларига асосланган ва мураккаб модулли янги бардошли электрон рақамли имзо алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

симметрик шифрлаш алгоритмлари акслантиришларини умумий криптографик талабларга баҳоловчи дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

эллиптик эгри чизиқ асосида янги асимметрик шифрлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган ҳамда дастурий таъминотлари яратилган;

турли математик мураккаблик асосида янги электрон рақамли имзо алгоритмлари криптографик бардошлиликлари исбот қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда олинган тасдиқларнинг ишончлилиги унда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги, сонлар назарияси, дискрет математика, криптография ва криптотаҳлил назариясининг усулларидан фойдаланиб исботланганлиги, ҳисоблаш тажрибалари натижалари яратилган дастурлар мажмуи орқали таққосланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган умумий криптографик талабларга текшириш усули, асимметрик шифрлаш ва электрон рақамли имзо алгоритмлари телекоммуникация тармоғи орқали узатилаётган маълумотнинг махфийлиги, симметрик шифрлаш алгоритми сеанс калитини

хавфсиз алмашиш ва муаллифликдан бош тортиш масалаларини ечиш учун фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотда натижаларнинг амалий аҳамияти умумий криптографик талабларга баҳолаш усули, асимметрик шифрлаш ва турли мураккабликдаги электрон рақамли имзо алгоритмлари криптотаҳлили усуллари ҳамда дастурлар мажмуи республикада миллий стандарт алгоритмларни қабул қилиш бўйича “Криптолойиҳа” танловларида тегишли методика сифатида, бардошлилиги юқори янги симметрик, асимметрик шифрлаш ва электрон рақамли имзо алгоритмларини ишлаб чиқиш, криптотаҳлил усулларига назарий ва амалий баҳолаш бўйича эксперт хулосалар беришга имкон бериши билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бардошли криптографик алгоритмлар яратиш усулларини ишлаб чиқишга оид илмий янгиликлар асосида:

стандарт симметрик шифрлаш алгоритмларини балансланганлик, регулярлик, чизиқсизлик, коррелиацион иммуностлик, алгебраик иммунитетлик, чиқувчи битлар боғлиқсизлиги талабларига баҳолаш усули, O‘zDSt 1105:2009, ГОСТ Р 34.12-2015 стандарт алгоритмлари S-блокларини баҳолаш натижалари, янги оптимал асимметрик шифрлаш алгоритми ахборотни криптографик муҳофаза қилиш дастурий ва аппарат-дастурий қурилмалар криптомодулларида маълумотларни ҳимоялашда қўлланилган (Ахборотни криптографик муҳофазалаш соҳасида Ваколатли органнинг 2021 йил 30 октябрдаги 20/5888-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши қурилмаларда симметрик шифрлаш алгоритмлари учун бардошли S-блокларни генерация қилишга, муҳофазаланмаган алоқа канали орқали шифрлаш сеанс калитларини етказиб беришга ва рухсати чекланган ахборотни ишончли ҳимоялаш механизмини ишлаб чиқишга имкон берган;

чекли майдонда дискрет логарифмлаш, эллиптик эгри чизиқда дискрет логарифмлаш мураккабликларига асосланган ва мураккаб модулли янги бардошли электрон рақамли имзо алгоритмлари «UNICON.UZ» ДУКда “Ўзбекистон Республикаси очиқ калитлар инфратузилмасининг хавфсизлик сервисларини такомиллаштириш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш” лойиҳасида аутентификация масаласини ҳал этишда қўлланилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 11 февралдаги 33-8/771 сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши очиқ калитлар инфратузилмаси хавфсизлигини таъминлаш ва O‘zDSt 1105:2009 стандарт алгоритми учун таклиф этилган математик модел мазкур алгоритмнинг бардошлигини ошириш имконини берган;

янги оптимал асимметрик шифрлаш алгоритми ва O‘zDSt 1105:2009, ГОСТ Р 34.12-2015 стандарт алгоритмлари S-блокларини баҳолаш усуллари №Ф706-17-“Ахборот тизимларида биометрик-криптографик технологиялар қўлланишининг тадқиқи” грант лойиҳасида ахборот тизимларида узатилаётган маълумотларни ҳимоялашда фойдаланилган (Ахборот

технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 11 февралдаги 33-8/771 сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши асимметрик алгоритмни “шифрлаш-имзолаш” ёки “имзолаш-шифрлаш” схемалари ўрнида фойдаланишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 31 илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, шундан 5 таси хорижий ва 14 таси республика журналларида нашр этилган. Илмий мақолаларнинг 2 таси халқаро Scopus базасида қайд этилган. Шунингдек, 2 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайдлаш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва 10 та иловадан иборат. Диссертация ҳажми 184 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши асосланган. Диссертация мавзуси бўйича чет элдаги илмий тадқиқотларнинг қисқача маълумоти ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Блокли симметрик стандарт алгоритмларни умумий криптографик талабларга баҳолаш»** деб номланган биринчи бобида симметрик шифрлаш стандарт алгоритмлари акслантиришларини умумий криптографик талабларга баҳолаш бўйича тавсия, O‘zDSt 1105:2009 стандарт шифрлаш алгоритми акслантиришларини, ГОСТ Р 34.12-2015 стандарти Магма ва Кузнечик алгоритмлари S-блокларини умумий криптографик талабларга текшириш бўйича олинган натижалари келтирилган.

Диссертация иши **1.1-параграфида** симметрик шифрлаш стандарт алгоритмлари акслантиришларини умумий криптографик талабларга баҳолаш математик асослари учун зарур тушунчалар баёни ҳамда янги таклиф этилган ёки мавжуд блокли симметрик стандарт шифрлаш алгоритми акслантиришларини умумий криптографик талабларга баҳолаш бўйича тавсиялар келтирилган.

Диссертация иши **1.2-параграфи** O‘zDSt 1105:2009 стандарт шифрлаш алгоритми Qo‘shBosqichKalit, Sur, BaytAlmash акслантиришлари умумий криптографик талаблар бўйича баҳоланган ва улар натижалари асосида BaytAlmash чизиқсиз акслантириш учун янги математик модел таклиф этилган. Мазкур бўлим бўйича олинган натижалар қуйида тасдиқлар формасида келтирилган.

Тасдиқ 1. O‘zDSt 1105:2009 стандарт алгоритми Qo‘shBosqichKalit (Holat, Ke) ва Sur (Holat, Ke) акслантиришлари учун умумий чизиқсизлик қиймати $N(\varphi) = 0$.

Тасдиқ 2. O‘zDSt 1105:2009 шифрлаш алгоритми иловасида келтирилган мисолга нисбатан *BaytAlmash* акслантириши регуляр, мос бул функция компоненталари чизиқсизлик қийматлари $N(f_1)=102$, $N(f_2)=106$, $N(f_3)=102$, $N(f_4)=102$, $N(f_5)=100$, $N(f_6)=106$, $N(f_7)=104$, $N(f_8)=98$ алгебраик чизиқсизлик қийматлари 7 га, умумий чизиқсизлик қиймати 92 га ва коррелиацион иммуностлик қиймати (даражаси) 0 га тенг.

Умумий криптографик талабларга тегишли назарияга мувофиқ**, с**аккиз аргументли баланслашган буль функциянинг максимал алгебраик чизиқсизлик даражаси 7 ва мантиқий чизиқсизлик даражаси 112 бўлиши лозим. Демак**,** O‘zDSt 1105:2009 стандарт иловасида келтирилган назорат мисолдаги *BaytAlmash* акслантириши *S-блок* жадвалини умумий криптографик талаблар бўйича текширишдан олинган натижалар, мазкур акслантиришнинг тўлиқ криптографик хусусиятларини очиб бермайди.

Шунинг учун мазкур акслантиришда (*D*, *R*, *L***)** учлик параметрлар қийматларига нисбатан яратилган дастурий таъминотдан фойдаланиб, *BaytAlmash* акслантириши ёрдамида шартли равишда 10 та ҳар-хил *S*-блок жадваллар генерацияси амалга оширилиб, умумий чизиқсизлик қийматлари бўйича қуйидагича натижалар олинди:

1-жадвал

10 та ҳар-хил S-блоклар ва улар умумий чизиқсизлик қийматлари

S-блоклар	**D**	**R**	**L**	***N* (*φ*) қиймати**
BaytAlmash – 1	37	54	2	0
BaytAlmash – 2	31	8	2	15
BaytAlmash – 3	33	8	6	0
BaytAlmash – 4	119	198	2	14
BaytAlmash – 5	49	54	3	0
BaytAlmash – 6	65	160	2	0
BaytAlmash – 7	81	164	5	0
BaytAlmash – 8	93	168	7	3
BaytAlmash – 9	131	172	11	15

BaytAlmash – 10	121	246	4	0

Тасдиқ 3. *BaytAlmash* акслантиришида номаълум калитдан генерация қилинган 1, 3, 5, 6, 7, 10 чи S – блокларда умумий чизиқсизлик қиймати $N(\varphi) = 0$ га, қолган 2, 4, 8, 9 чи S – блокларда $N(\varphi)$ - умумий чизиқсизлик қиймати мос равишда 15, 14, 3 ва 15 ларга тенг.

Демак, миллий стандарт алгоритмида махфий калитнинг турли вариантларида умумий чизиқсизлик қийматларини максимал (яъни 8 аргументли баланслашган буль функция учун 112) таъминлаб берувчи генераторлар тадбиқ этиш талаб этилади.

O‘zDSt 1105:2009 стандарт алгоритми *BaytAlmash* акслантиришига киритилиши лозим бўлган ўзгартириш сифатида қуйидаги математик формула таклиф этилади.

Тасдиқ 4. Агар O‘zDSt 1105:2009 стандарт шифрлаш алгоритми *BaytAlmash* акслантириши $BaytAlmash\ (x, z) = y$, $y = M^* (x@z)^{-1} + v$ математик модель ёрдамида генерация қилинса, у ҳолда мазкур акслантириш учун умумий чизиқсизлик қиймат $N(\varphi) = 112$ тенг бўлади.

Бу ерда M, v – фиксирланган матрица ва векторлар AES стандарт алгоритми *SubBytes* – акслантиришида келтирилган каби қийматлар, z – мастер калит бўлиб, $x, y, z \in GF(2^8)$ майдон элементлари, $^{-1}$ амали $GF(2^8)$ майдонда тескари элемент, @ - амали $GF(2^8)$ майдон элементлари бўлган 7 даражали кўпҳадларни «a» параметр бўйича кўпайтириш ва шу майдонда келтирилмайдиган 8-даражали (масалан: $x^8+x^6+x^5+x^3+1$) кўпҳад бўйича қолдиғини ҳисоблаш.

Диссертация иши **1.3-параграфида** ГОСТ Р 34.12-2015 стандарти Магма алгоритми S-блоклари умумий криптографик талаблар бўйича баҳоланган.

Тасдиқ 5. Магма алгоритми S_i – блоклари (i=1,…8) учун акслантиришлар регуляр, умумий чизиқсизлик қийматлари 4 га, алгебраик иммунитетлик даражалари (барча чиқувчи бул функциялар тенгламалар системасида 2 ва ундан юқори даражали тенгламалар мавжуд) 2 га, чиқувчи битлар боғлиқ-сизлиги тамойили (BIC) қийматлари 0 га тенг.

Тасдиқ 6. Магма алгоритми S_i – блоклари (i=1,…8) бул функция компоненталари чизиқсизлик қийматлари $N(f_1) = 4$, $N(f_2) = 4$, $N(f_3) = 4$, $N(f_4) = 4$, барча бул функциялари учун корреляцион иммуностлик даражалари 0 га ва алгебраик чизиқсизлик даражалари қийматлари эса қуйидагиларга тенг:

S_1, S_2, S_5, S_7: $deg(f_1)=2$, $deg(f_2)=3$, $deg(f_3)=3$, $deg(f_4)=3$.

S_3, S_4, S_6, S_8: $deg(f_1)=3$, $deg(f_2)=3$, $deg(f_3)=3$, $deg(f_4)=3$.

Диссертация иши **1.4-параграфида** ГОСТ Р 34.12-2015 стандарти Кузнечик алгоритми S-блоки умумий криптографик талаблар бўйича баҳоланган.

Тасдиқ 7. Кузнечик алгоритми S – блоки учун акслантириш регуляр, умумий чизиқсизлик қиймати 100 га, алгебраик иммунитетлик даражаси (барча чиқувчи бул функциялар тенгламалар системасида уч ва ундан юқори

даражали тенгламалар мавжуд) 3га, чиқувчи битлар боғлиқсизлиги тамойили (BIC) қиймати 0 га тенг.

Тасдиқ 8. Кузнечик алгоритми S – блоки бул функция компонента-ларининг чизиқсизлик қийматлари мос равишда: $N(f_1)=104$, $N(f_2)=106$, $N(f_3)=116$, $N(f_4)=104$, $N(f_5)=110$, $N(f_6)=106$, $N(f_7)=102$, $N(f_8)=104$ барча бул функциялари учун корреляцион иммуностлик даражаси 0 га ва алгебраик чизиқсизлик даражаси қийматлари 7 га тенг.

Турли шифрлаш алгоритмлари S – блокларини умумий криптографик талабларга баҳолаш натижасида олинган қийматларни ўзаро солиштириш қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2 -жадвал.

Алгоритмлар S – блокини умумий талаблар бўйича баҳолаш натижалари

Умумий криптографик талаблар	**Магма**	**ГОСТ 28147-89**	**Кузнечик**	**AES**
	S – блоклари $GF(2^4)\to GF(2^4)$	S – блоклари $GF(2^4)\to GF(2^4)$	S – блоки $GF(2^8)\to GF(2^8)$	S – блоки $GF(2^8)\to GF(2^8)$
Балансланган	+	+	+	+
Регулярлик	+	+	+	+
$\deg(f)$	2 ёки 3	3	7	7
$N(f)$	4	2 ёки 4	102-116	112
$N(\varphi)$	4	2	100	112
$CI(f)$	0	0	0	0
$AI(S)$	2	2	3	2
$BIC(S)$	0	0	0	0

Диссертациянинг **«Эллиптик эгри чизиқ асосида янги асимметрик шифрлаш алгоритмини яратиш»** деб номланган иккинчи бобида замонавий асимметрик шифрлаш алгоритмлари математик асослари, эллиптик эгри чизиқга асосланган асимметрик шифрлаш алгоритмини яратиш билан боғлиқ масалалар, маълумотларни эллиптик эгри чизиқ нуқталари сифатида ифодалаш алгоритмлари ва эллиптик эгри чизиқ асосидаги янги асимметрик шифрлаш алгоритми математик модели ҳамда ундан олинган натижалар келтирилган.

Диссертация иши **2.1-параграфида** асимметрик алгоритмларни эллиптик эгри чизиқларга ўтказиш билан боғлиқ масалалар математик асослари баён қилинган.

Диссертация иши **2.2-параграфида** маълумотларни эллиптик эгри чизиқ нуқталари кўринишда ифодалаш алгоритми келтирилган.

Маълумотни эллиптик эгри чизиқ асосидаги асимметрик алгоритм билан шифрлаш жараёнида қуйидаги муаммолар пайдо бўлади:

Жумладан шифрлаш жараёнида *M* маълумот қиймати ҳам эллиптик эгри чизиқнинг нуқтаси бўлиши керак. Бироқ амалиётда маълумот ҳар доим ҳам эллиптик эгри чизиқнинг нуқтаси бўлиш шартини бажармайди. Шунинг учун мазкур муаммо ечими сифатида қуйидаги ёндашувлар таклиф этилган.

1-ёндашув. Шифрланувчи маълумотни ифодалашда ишлатиладиган белгилар (ASC II коди) танланган эллиптик эгри чизиққа нисбатан нуқталар сифатида акс эттирилади.

Ушбу ёндошув камчилиги шифрловчи ва очиқ матнга ўгирувчи томонларга маълум бўлган ASC II коди бўйича эллиптик эгри чизиқ нуқталарини ифодаловчи жадвалнинг мавжуд бўлиши ҳисобланади.

2-ёндашув. Шифрланувчи маълумот тегишли узунликларга бўлиниб, унинг блоклари тегишли алгоритм ёрдамида эллиптик эгри чизиқ нуқтаси бўлиш шарти бўйича амалга оширилади.

Диссертация ишида янги асимметрик шифрлаш алгоритмини ишлаб чиқишда 2-ёндошувдан фойдаланилган.

Қуйида шифрланиши лозим бўлган m маълумот блокларини эллиптик эгри чизиқга тегишли M (x,y) нуқта сифатида ифодалаш ва уни m маълумот кўринишига ўтказиш алгоритмлари келтирилган.

Маълумот блокларини эллиптик эгри чизиқга тегишли нуқта сифатида ифодалаш алгоритми қуйидагича:

1. Санагич $i = 0$ қилиб ўрнатилади, $p' = p\ div\ 2^{\pi-\mu}$ ҳисобланади p' ва m_i ларни иккилик сон сифатида солиштирилади (div – бутун қисмини олиш операцияси). Агар $p' > m_i$ бўлса, 2 – қадамга, акс ҳолда 3 – қадамга ўтилади.
2. Агар $i < 2^{\rho}$ бўлса, иккилик қиймати i га тенг бўлган ρ – битли r сатр шакллантирилади ва 7 – қадамга ўтилади. Акс ҳолда “Эллиптик эгри чизиқ нуқтаси мавжуд эмас” деган хабар чиқади.
3. Агар $i < 2^{\rho-1}$ бўлса, иккилик қиймати i га тенг $\rho - 1$ битли r сатр шакллантирилади ва 4 – қадамга ўтилади. Акс ҳолда “ Эллиптик эгри чизиқ нуқтаси мавжуд эмас” деган хабар чиқади.
4. x - ўзгарувчига $m_i||r$ ўзлаштирилиб, $w = (x^3 + ax + b) \bmod p$ қиймат ҳисобланади.
5. Лежандр символи $\lambda = (\frac{w}{p})$ қиймати ҳисобланади. Агар $\lambda = -1$ бўлса, санагич биттага оширилади ($i \leftarrow i + 1$) ва 3 – қадамга ўтилади, акс ҳолда 6 – қадамга ўтилади.
6. Илдизнинг иккита қиймати ҳисобланади $y_{1,2} = \pm\sqrt{w} \pmod p$, бу ерда $y_{1,2} \in \{1, 2, \dots, p - 1\}$, $y_{1,2}$ ларнинг кичик қиймати y га ўзлаштирилади ва 10 – қадамга ўтилади.
7. x - ўзгарувчига $m_i||r$ ўзлаштирилиб, $w = (x^3 + ax + b) \bmod p$ қиймат ҳисобланади.

8. Лежандр символи $\lambda = (\frac{w}{p})$ қиймати ҳисобланади. Агар $\lambda = -1$ бўлса, санагич биттага оширилади $(i \leftarrow i + 1)$ ва 2 – қадамга ўтилади, акс ҳолда 9 – қадамга ўтилади.

9. Илдизнинг иккита қиймати: $y_{1,2} = \pm\sqrt{w}\,(\mathrm{mod} p)$ ҳисобланади, бу ерда $y_{1,2} \in \{1, 2, \dots, p-1\}$, $y_{1,2}$ қийматлар каттаси y - ўзгарувчига ўзлаштирилади ва 10 – қадамга ўтилади.

10. Ҳосил бўлган (x,y) координаталар жуфтлиги m маълумот эллиптик эгри чизиққа тегишли M (x,y) нуқтаси деб эълон қилинади.

Эллиптик эгри чизиқ нуқтаси сифатида ифодаланган M (x,y) нуқтани қуйидаги алгоритм ёрдамида маълумот кўринишига ўтказиш амалга оширилади.

1. $w = (x^3 + ax + b) \bmod p$ қиймат ҳисобланади.
2. $y_{1,2} = \pm\sqrt{w} \bmod p$ ҳисобланади ва $y_1 < y_2$ шарт текширилади, бунда $y_1, y_2 \in \{1,2, \dots, p-1\}$.
3. Агар $y = y_1$ бўлса, $m = x\ div\ 2^{p-1}$, акс ҳолда $m = x\ div\ 2^p$ нинг қиймати олинади.

Диссертация иши **2.3-параграфида** берилган m маълумот блокларини эллиптик эгри чизиқга тегишли M (x,y) нуқта сифатида ифодалаш ҳамда эллиптик эгри чизиқ нуқтасини m маълумот кўринишига ўтказиш алгоритмларидан фойдаланиб, эллиптик эгри чизиқ асосида янги асимметрик шифрлаш алгоритми математик модели таклиф этилган.

Асимметрик алгоритмни аниқлаш учун шифрлаш ва маълумотларни дастлабки матнга ўгириш жараёнида қўлланиладиган асосий математик объектларни баён этиш зарур. Қуйида асимметрик алгоритм объектларига қўйиладиган асосий математик таърифлар ва талаблар белгиланган.

Айтайлик, асимметрик шифрлаш алгоритми: $y^2 \equiv x^3 + ax + b \pmod p$ формула билан аниқланган эллиптик эгри чизиқ ва қуйидаги параметрлардан фойдаланади:

a) p туб сон $p>2^{255}$ тенгсизликни қаноатлантирувчи, эллиптик эгри чизиқ модули. Ушбу соннинг юқори чегараси асимметрик алгоритмни муайян амалга ошириш жараёнида белгиланади;

b) ўзининг $J(E)$ инварианти ёки $a,b \in F_p$ коэффициентлари билан берилган E эллиптик эгри чизиқ;

d) n туб сон – қуйидаги шартлар бажарилган E эллиптик эгри чизиқ нуқталари группаси циклик қисм группасининг тартиби:

$$\begin{cases} w = l * n, l \in Z, l \geq 1 \\ 2^{254} < n < 2^{256} \end{cases}$$

e) $G(x_0,y_0)$, $[n]G=0$ ва $G \neq 0$ тенгликларни қаноатлантирувчи E эллиптик эгри чизиқнинг (x_0,y_0) координатали базавий нуқтаси;

Асимметрик шифрлаш алгоритми параметрларига қуйидаги талаблар қўйилади:

a) барча бутун *i=1, 2…, B* сонлар учун $p^i \neq 1 \pmod n$ шарт бажарилиши лозим, бу ерда, *B* учун $B \geq 31$ тенгсизлик бажарилади;

b) $w \neq p$ тенгсизлик бажарилиши лозим;

d) эгри чизиқ инварианти $J(E) \neq 0$ ёки 1728 шартларни қаноатлантириши лозим.

Асимметрик шифрлаш алгоритмининг ҳар бир фойдаланувчиси қуйидаги шахсий калитларга эга бўлиши керак:

a) асимметрик алгоритм ёпиқ калити d, $0<d<n$ тенгсизликни қаноатлантирувчи бутун сон;

b) асимметрик алгоритм очиқ калити Q – (x, y) координатали, $[d]G=Q$ тенгликни қаноатлантирувчи эллиптик эгри чизиқ нуқтаси.

Янги таклиф этилаётган асимметрик шифрлаш алгоритми математик модели қуйидаги қадамлар кетма-кетлигидан иборат.

Шифрланиши лозим бўлган m маълумот $\rho = \pi - \mu = 16$ шарт асосида μ битли блокларга ажратилади ($m = \{m_1, m_2, \dots, m_i\}$, $|m_i| = \mu$ бит, бу ерда, p туб сони разряди π битга тенг).

I. Маълумотни шифрлаш жараёни.

1. Маълумотни шифрловчи томон k сонни $0 < k < n$ ораликдан танлайди ва у фақат ўзигагина маълум сон.

2. $C_1 = [k]G$, $R = [k]Q$ эллиптик эгри чизиқ нуқталари ҳисобланади.

3. Шифрланувчи маълумот эллиптик эгри чизиқ нуқтаси бўлиш шартига текширилади. Агар маълумот эллиптик эгри чизиқ нуқтаси бўлмаса, 7 – қадамга, акс ҳолда қуйидаги ҳисоблашлар бажарилади.

4. Шифрланувчи M (x,y) нуқта x абциссасидан фойдаланиб, y_1, y_2 нинг қиймати ҳисобланади. Агар $y = \min(y_1, y_2)$ бўлса, 6 – қадамга ўтилади, акс ҳолда қуйидаги ҳисоблашлар амалга оширилади.

5. $C_2 = M + R$ эллиптик эгри чизиқ нуқтаси ҳисобланади ва $q = 3$ қиймат учун $t = x_{C_2} || q$ бажарилади ҳамда 8 – қадамга ўтилади (бу ерда $|q| \rightarrow 2$ бит).

6. $C_2 = M + R$ эллиптик эгри чизиқ нуқтаси ҳисобланади ва $q = 1$ қиймат учун $t = x_{C_2} || q$ бажарилади ҳамда 8 – қадамга ўтилади (бу ерда $|q| \rightarrow 2$ бит).

7. $C_2 = M \cdot R = (x_{C_2}, y_{C_2})$ ҳисобланади (ёки $x_{C_2} = m_i \oplus x_R$ формула) ва $q = 0$ қиймат учун $t = x_{C_2} || q$ бажарилади ҳамда 8 – қадамга ўтилади (бу ерда $|q| \rightarrow 2$ бит).

8. $C = \{C_1, t\}$ шифр матн ҳосил бўлади.

II. Шифр матнни очиқ матнга ўгириш жараёни.

1. $U(x_u, y_u) = [d]C_1$ ҳисобланади.
2. $q = 0$ шарт бажарилса 8 – қадамга, акс ҳолда 3-қадамга ўтилади.
3. Агар $q = 3$ бўлса, 4 – қадамга, $q = 1$ бўлса, 6 – қадамга ўтилади.
4. $w = x_{C_2}^3 + a x_{C_2} + b \pmod p$.

5. $y_{1,2} = \pm\sqrt{w} \pmod p$ ҳисобланади ва $y = \max(y_1, y_2)$ танланиб, 9 – қадамга ўтилади.

6. $w = x_{C_2}^3 + ax_{C_2} + b \pmod p$ ҳисобланади.

7. $y_{1,2} = \pm\sqrt{w} \pmod p$ ҳисобланади ва $y = \min(y_1, y_2)$ танланиб, 9 – қадамга ўтилади.

8. $M = \frac{x_{C_2}}{x_U}$ очиқ матн ҳисобланади.

9. $M = (x_{C_2}, y) - U(x_u, y_u)$ эллиптик эгри чизиқ нуқтаси ҳисобланади.

10. $M(x,y)$ нуқта m маълумот кўринишда ифодалаш алгоритми ёрдамида очиқ матнга ўтказилади.

Таклиф этилган асимметрик шифрлаш алгоритми учун қуйидаги теорема исбот қилинган.

Теорема 1. Эллиптик эгри чизиққа асосланган маълумотни шифрлаш 8 та қадамини ва шифрматнни очиқ матнга ўгириш 10 та қадамини ўз ичига олган асимметрик шифрлаш алгоритми коррект.

Диссертация иши **2.4-парагарфида** эллиптик эгри чизиқга асосланган янги асимметрик шифрлаш алгоритмидан олинган натижалар таҳлили келтирилган.

Эллиптик эгри чизиқ асосидаги асимметрик шифрлаш алгоритмида маълумотларнинг хотирадан эгаллаган ҳажми бўйича натижалар 3-жадвалда берилган.

3-жадвал.

Ҳажм бўйича олинган натижалар

Маълумот узунлиги (байт)	1 048 576	5 242 880	10 485 760	104 857 600
Нуқта кўринишида ифодалаш (байт)	1 276 766	6 429 202	12 841 346	128 510 799
Шифрлаш жараёни (байт)	1 275 581	6 378 273	12 757 262	127 572 670
Очиқ матнга ўгириш жараёни (байт)	1 276 766	6 429 202	12 841 346	128 510 799
Маълумотни тиклаш (байт)	1 048 576	5 242 880	10 485 760	104 857 600
Шифр матн ҳажми ўзгариши (%)	21,65 % ортди	21,66 % ортди	21,66 % ортди	21,66 % ортди

Эллиптик эгри чизиқ асосидаги асимметрик шифрлаш алгоритмида маълумотларнинг шифрлаш ва очиқ матнга ўгириш жараёни учун сарфланган вақти қуйидаги жадвалда келтирилган.

4-жадвал.

Шифрлаш ва очиқ матнга ўгириш учун сарфланган вақтлар

Маълумот узунлиги (байт)	1 048 576	5 242 880	10 485 760	104 857 600
Нуқта кўринишида	20	100	199	1998

ифодалаш учун сарфланган вақт (секунд)				
Шифрлаш жараёни учун сарфланган вақт (секунд)	122	612	1223	12235
Очиқ матнга ўгириш жараёни учун сарфланган вақт (секунд)	118	591	1179	11807
Маълумотни тиклаш учун сарфланган вақт (секунд)	5	25	50	499
Умумий сарфланган вақт (минут)	$4\frac{5}{12}$ мин	$22\frac{2}{15}$ мин	$44\frac{11}{60}$ мин	$442\frac{19}{60}$ мин

Эллиптик эгри чизиқга асосланган асимметрик шифрлаш алгоритмидан олинган натижаларни факторизация масаласига асосланган RSA, дискрет логарифмлаш масаласига асосланган Эл-Гамал стандарт асимметрик шифрлаш алгоритмлари билан солиштириш мақсадида тегишли дастурий таъминотлар яратилди. Олинган натижалар бўйича қуйидаги тасдиқлар ўринли.

Тасдиқ 9. Таклиф этилган эллиптик эгри чизиқ асосидаги шифрлаш алгоритми RSA алгоритмига нисбатан хотирадан 16,65 % кўп ҳажм эгаллайди, тезлиги бўйича 2,2 марта тез ҳисобланади.

Тасдиқ 10. Таклиф этилган эллиптик эгри чизиқ асосидаги шифрлаш алгоритми Эл – Гамал алгоритмига нисбатан хотирадан 78,35 % кам ҳажм эгаллайди, тезлиги 4,65 марта тез ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Эллиптик эгри чизиқ асосида бардошлиги оширилган асимметрик шифрлаш алгоритмини яратиш»** деб номланган учинчи бобида замонавий асимметрик шифрлаш алгоритмларига актив криптоҳужум усули қўлланиши билан боғлиқ масалалар, актив криптоҳужум усулига бардошли янги оптимал асимметрик шифрлаш алгоритми математик модели ва ундан олинган натижалар таҳлили баён қилинган.

Диссертация иши **3.1-параграфида** замонавий асимметрик шифрлаш алгоритмларига актив криптоҳужум усули қўлланиши билан боғлиқ масалалар баён қилинади.

Таъриф. Махфий маълумот узатиш жараёнини узиб қўйиш, модификациялаш, қалбаки шифр маълумотлар тайёрлаш каби ҳатти-ҳаракатлар актив ҳужум дейилади.

Бугунги кунда замонавий асимметрик криптография фанида “Танлаб олинган очиқ матн асосидаги ҳужум(chosen-plaintext attack-CPA)”, “Танлаб олинган шифр матн асосидаги ҳужум(chosen-ciphertext attack-CCA)”, “Адаптив танлаб олинган шифр матнлар асосидаги ҳужум (adaptive chosen-ciphrtext attack-CCA2)” каби актив криптоҳужум усулларидан келиб чиқиб, асимметрик криптотизимлар бардошли бўлиши учун асосий талаблар ишлаб чиқилган. Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра қуйидаги тасдиқ ўринли.

Тасдиқ 11. RSA стандарт алгоритми актив криптоҳужум усулига бардошсиз.

Мазкур тасдиқ нафақат RSA стандарт алгоритмига балки барча асимметрик шифрлаш алгоритмлари учун ўринли. Жумладан, диссертация иши 2-бобида таклиф этилган эллиптик эгри чизиқда дискрет логарифмлаш мураккаблик масаласига асосланган асимметрик шифрлаш алгоритми актив криптоҳужум усулларига бардошсиз ҳисобланади. Натижада мазкур алгоритмнинг оптимал вариантини ишлаб чиқиш зарурати келиб чиқади.

Диссертация иши **3.2-параграфида** янги оптимал асимметрик шифрлаш алгоритми математик модели ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда RSA стандарт алгоритми амалиётда классик адабиётларда келтирилган қадамларига тўлдириш схемаси қўшилган асимметрик RSA-OEP алгоритмидан фойдаланилади.

Мазкур ҳолат 2-бобда таклиф этилган эллиптик эгри чизиқ асосидаги асимметрик шифрлаш алгоритмини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Қуйида эллиптик эгри чизиқ ёрдамида маълумотни шифрлаш ва дастлабки матнга ўгириш қадамлари учун оптимал асимметрик шифрлаш алгоритми келтирилган.

Алгоритм шифрлаш жараёни.

M – дастлабки маълумотни шифрловчи томон фақат ўзига маълум бўлган k – сонни $0<k<n$ ораликдан тасодифий танлайди. Ундан фойдаланиб $C_1=[k]G$ ва $R=[k]Q$ каби эллиптик эгри чизиқ нуқталари ҳисобланади.

Берилган M – маълумот $\mu = \pi - k_0 - k_1 - 16$ шарт асосида μ битли блокларга ($M = \{m_1, m_2, ..., m_v\}$, $|m_i| = \mu$ бит) бўлинади.

Ҳар бир $|m_i| = \mu$ бит узунликдаги очиқ матн блоки κ_0 та ноллар билан тўлдирилади ва қуйидаги кетма-кетликда алоҳида шифрланади.

1. Узунлиги k_1=128 бит бўлган тасодифий l – маълумот ҳосил қилинади.
2. $S_1 = (m_i \| 0^{k_0}) \oplus Hesh1(l)$ ҳисобланади.
3. $S_2 = l \oplus Hesh2(S_1)$ ҳисобланади.
4. $S = S_1 \| S_2$ маълумот ҳосил қилинади.
5. S – маълумот эллиптик эгри чизиқ $M(x,y)$ нуқтаси бўлиши шарти текширилади. Агар маълумот эллиптик эгри чизиқ нуқтаси бўлмаса, 11-қадамга ўтилади.
6. $M(x,y)$ нуқта x – координатасидан фойдаланиб $w = (x^3 + ax + b) \bmod p$ қиймат ҳисобланади.
7. $y_{1,2} = \pm\sqrt{w} \pmod p$ қийматлар ҳисобланади.
8. Агар $y = \min(y_1, y_2)$ бўлса, 10-қадамга ўтилади.
9. q – ўзгарувчига 3 қиймат ўзлаштирилади (q=3) ҳамда $C_2(x,y)=M(x,y)+R(x,y)$, $t = x_{C_2} \| q$ ҳисобланади ва 12-қадамга ўтилади (бу ерда $|q|$=2 бит).
10. q – ўзгарувчига 1 қиймат ўзлаштирилиб (q=1), $C_2(x,y)=M(x,y)+R(x,y)$, $t = x_{C_2} \| q$ ҳисобланади ва 12-қадамга ўтилади.

11. q – ўзгарувчига 0 қиймат ўзлаштирилади (q=0) ҳамда $x_{C_2} = S \oplus x_R$ $t = x_{C_2} \| q$ ҳисобланади.

12. E_i={$C_1(x,y),t$} – шифрматн блоки сифатида эълон қилинади.

Шифрланган E_i (E_i={$C_1(x,y),t$}) маълумот блокларини дастлабки матнга ўгириш жараёни

1. $U(x_u, y_u) = [d]C_1$ эллиптик эгри чизиқ нуқтаси ҳисобланади.

2. Агар q=0 бўлса, $S = x_{C_2} \oplus x_U$ ҳисобланади ва 10-қадамга ўтилади.

3. $w = \left(x_{C_2}^3 + ax_{C_2} + b\right) \bmod p$ ҳисобланади.

4. $y_{1,2} = \pm\sqrt{w} \pmod p$ ҳисобланади.

5. Агар q=3 бўлса, 7-қадамга ўтилади.

6. $y = \min(y_1, y_2)$ ҳисобланади ва 8-қадамга ўтилади.

7. $y = \max(y_1, y_2)$ ҳисобланади.

8. $M(x,y) = \left(x_{C_2}, y\right) - U\left(x_U, y_U\right)$ эллиптик эгри чизиқ нуқтаси ҳисобланади.

9. $M(x,y)$ нуқта S – маълумот кўринишида ифодаланади.

10. S – маълумотнинг дастлабки $\mu + k_0$ та бити S_1 га, охирги k_1 та бити S_2 га юкланади (яъни: $S_1||S_2=S$).

11. $l = S_2 \oplus Hesh2\left(S_1\right)$ ҳисобланади.

12. $Sm = S_1 \oplus Hesh1\left(l\right)$ ҳисобланади.

13. Агар Sm – маълумотнинг сўнгги k_0 та бит қиймати нолга тенг бўлса, у ҳолда "*маълумот ҳақиқий*" бўлиб, Sm – маълумотнинг дастлабки μ та бити m_i – очиқ матн блоки сифатида, акс ҳолда "*маълумот соҳта*" (қалбаки) деб эълон қилинади.

Бу ерда, μ – сони m_i маълумотнинг битлардаги узунлигини аниқловчи символ, p – туб сон, p>3, π – берилган p туб сон разрядини аниқловчи символ; k_0, k_1 – натурал сонлар, $Hesh1$ ва $Hesh2$ – хэш-қиймат узунликлари мос равишда $\mu + k_0$ ва k_1 бит бўлган бардошли хэш-функциялар.

Таклиф этилган янги оптимал асимметрик шифрлаш алгоритми учун қуйидаги теорема исбот қилинган.

Теорема 2. Эллиптик эгри чизиққа асосланган маълумотни шифрлаш 12 та қадамни ва шифрматнни очиқ матнга ўгириш 13 та қадамини ўз ичига олган оптимал асимметрик шифрлаш алгоритми коррект ва актив криптоҳужум усулига бардошли.

Диссертация иши **3.3-параграфида** эллиптик эгри чизиққа асосланган оптимал асимметрик шифрлаш алгоритмидан олинган натижалар таҳлили баён қилинган.

Эллиптик эгри чизиқ асосидаги оптимал асимметрик шифрлаш алгоритмининг хотирадан эгаллаган ҳажми ва сарфланган вақт параметрлари бўйича баҳолаш натижалари 5 ва 6-жадвалларда келтирилган.

5-жадвал.

Ҳар хил узунликларда хотирадан эгаллаган ҳажм

Маълумот узунлиги (байт)	37982	75964	151928	1 671 208
Маълумотни тўлдириш (байт)	93504	187008	374016	4113792
Нуқта кўринишида ифодалаш (байт)	113671	227307	454671	5 001 086
Шифрлаш жараёни (байт)	113756	227547	455026	5005191
Очиқ матнга ўгириш жараёни (байт)	113671	227307	454671	5 001 086
Нуқта кўриниши-дан маълумотни тиклаш (байт)	93504	187008	374016	4113792
Маълумотни қайта тиклаш (байт)	37982	75964	151928	1 671 208
Шифр матн ҳажми ўзгариши (%)	199 %	199 %	199 %	199 %

6-жадвал.

Ҳар хил узунликларда сарфланган вақт

Маълумот узунлиги (байт)	37982	75964	151928	1 671 208
Маълумотни тўлдириш учун сарфланган вақт (секунд)	0,639	1,294	2,589	27,728
Нуқта кўринишида ифодалаш учун сарфланган вақт (секунд)	1,778	3,588	7,208	77,782
Шифрлаш жараёни учун сарфланган вақт (секунд)	10,281	20,561	41,06	451,433
Очиқ матнга ўгириш жараёни учун сарфланган вақт (секунд)	10,281	21,092	41,356	451,83
Нуқта кўринишидан маълумотни тиклаш учун сарфланган вақт (секунд)	0,421	0,827	1,654	18,665
Маълумотни тўлдириш схемасидан фойдаланиб тиклаш	0,624	1,263	2,48	27,22
Умумий сарфланган вақт (секунд)	24,413	48,625	96,347	1054,037

Дастурий таъминот ёрдамида эллиптик эгри чизиқ асосидаги оптимал асимметрик шифрлаш алгоритмидан олинган натижалар RSA оптимал

шифрлаш алгоритми натижалари билан солиштирилди. Олинган натижалар асосида қуйидаги тасдиқлар ўринли.

Тасдиқ 12. RSA оптимал алгоритми RSA алгоритмига нисбатан хотирадан 150,79 % кўп ҳажм эгаллайди, вақт бўйича 2,4 марта секин ишлайди.

Тасдиқ 13. Эллиптик эгри чизиқ асосидаги оптимал шифрлаш алгоритми эллиптик эгри чизиқ асосидаги шифрлаш алгоритмига нисбатан хотирадан 177,35 % кўп ҳажм эгаллайди, тезлиги бўйича 2,5 марта секин ишлайди.

Тасдиқ 14. Таклиф этилган эллиптик эгри чизиқ асосидаги оптимал шифрлаш алгоритми RSA оптимал шифрлаш алгоритмига нисбатан хотирадан 40% кўп ҳажм эгаллайди, лекин тезлиги бўйича 2,4 марта тез ишлайди.

